

STOMATOLOGIYA

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2091-5845

№1 (82) 2021



31

Костные выступы на верхней челюсти и совершенствование методов изоляции с помощью двойных базисов в съемных протезах

53

Оптимизированные подходы к комплексному лечению пациентов с хроническим рецидивирующим афтозным стоматитом

82

Психоакустические показатели состояния слуха у больных болезнью меньера в период между приступами

- Исаходжаева Х.К., Даминова Ш.Б., Хаджиметов А.А., Абдиримова Г.И.** Влияние гестационного возраста и массы тела новорожденного на прорезывание зубов.....40
- Камалова Ф.Р.** Разработка программы диагностики стоматологических заболеваний у детей с сахарным диабетом.....42
- Мирсалихова Ф.Л., Эронов Ё.Қ.** Мия фалажи билан касалланган болаларда тиш кариесини рокс гели орқали даволаш усуллари.....45
- Сайдалиев М.Н., Муртазаев С.С.** Бошланғич мактаб ёшидаги болаларда стоматологик профилактик таълим дастурлари.....47
- Эшбадалов Х.Ю., Махкамova Ф.Т., Насретдинов З.Т., Нажмиддинов Б.Б., Эшбадалов Н.Х.** Отдаленные исходы остеомиелита челюстей, перенесенных в раннем детском возрасте.....51

ОБЗОРНЫЕ СТАТЬИ

- Алимова Д.М., Абдуллаева М.Р., Юлдашева Н.А., Таджиева К.Р.** Оптимизированные подходы к комплексному лечению пациентов с хроническим рецидивирующим афтозным стоматитом.....53
- Азимов А.М., Турсуналиев З.З., Шадманов А.А.** Современные методы комплексного лечения воспалительных заболеваний периапикальных тканях.....56
- Бекжанова О.Е., Каюмова В.Р.** Клинические проявления Covid-19 в полости рта.....60
- Зойиров Т.Э., Содикова Ш.А.** Заболевания пародонта у беременных женщин на фоне железодефицитной анемии: этиология, патогенез, лечение и профилактика.....64
- Кузиев Ш.Х., Хасанов Ш.М., Маликов С.О., Садуллаева Ш.Л., Жалолов Р.А.** Выбор хирургической тактики при сочетании атрофии костной ткани верхней челюсти и кист верхнечелюстной пазухи.....69
- Усманова Д.Р., Мукимов О.А., Диего Лопс, Мукимова Х.О., Тургунов М.А.** Изучение дентальной имплантации с помощью метода “Root membrane” в верхней челюсти для повышения эффективности сохранения зубо-альвеолярного сегмента.....73
- Хабиллов Н.Л., Сафаров М.Т., Азизова Ш.И.** Ортопедик стоматологияда чархлашдан кейин келиб чиқадиған гиперестезияни замонавий профилактика ва даволаш усуллари.....77

- Isakhodzhaeva Kh.K., Daminova Sh.B., Khodzhimetov A.A., Abdirimova G.I.** Influence of gestational age and body weight of a newborn on teething.....40
- Kamalova F.R.** Development of a program for the diagnosis of dental diseases in children with diabetes mellitus.....42
- Mirsalikhova F.L., Eronov E.K.** Methods for the treatment of dental caries in children with cerebral palsy.....45
- Saidaliyev M.N., Murtazaev S.S.** Dental prophylactic education programs in primary school age children.....47
- Eshbadalov Kh.Yu., Makhkamova F.T., Nasretdinov Z.T., Nazhmiddinova B.B., Badalov N.H.** Long-term outcomes of osteomyelitis of the jaws suffered in early childhood.....51

REVIEWS

- Alimova D.M., Abdullayeva M.R., Yuldasheva N.A., Tajjiev K.R.** Optimized subpads for a comprehensive review of patients with chronic recurrent stomatitis.....53
- Azimov A.M., Tursunaliyev Z.Z., Shadmanov A.A.** Modern methods of complex treatment of optimized diseases of peripheral glasses.....56
- Bekzhanova O.E., Kayumova V.R.** Clinical veneration of Covid-19 in the RTA Protocol.....60
- Zoiriv T.E., Sodikova Sh.A.** Periodontal disease in pregnant women with iron deficiency anemia: etiology, pathogenesis, treatment and prevention.....64
- Kuziev Sh.Kh., Khasanov Sh.M., Malikov S.O., Sadulaeva Sh.L., Jalalov R.A.** The choice of tactics for empathy of horse bone tissue in the jaw technique and who is the upper jaw.....69
- Usmanova D.R., Mukimov O.A., Diego Lopes, Mukimova Kh.O., Turgunov M.A.** Study of dental implantation using the “Root membrane” method in the upper jaw to improve the efficiency of preserving the dental-alveolar segment.....73
- Khabilov N.L., Safarov M.T., Azizova Sh.I.** Orthopedist helicopter dentist kayin kelib chikadigan hyperesthetic chiropractic care and anti-aging.....77

МИЯ ФАЛАЖИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ТИШ КАРИЕСИНИ РОКС ГЕЛИ ОРҚАЛИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ



Мирсалихова Ф.Л., Эролов Ё.Қ.

Тошкент давлат стоматология институти, Бухоро давлат тиббиёт институти

Мия фалажи – бу асаб тизимининг мураккаб касаллиги бўлиб, у миянинг етуқлиги шароитида юзага келади, яъни ҳомила ривожланиши, туғиш ва янги туғилган чақалоқларда мия фалажи мушак-скелет тизимининг шикастланиши, нутқ ва ақлий бузилишлар, эшитиш ва кўриш қобилиятининг пасайиши билан тавсифланади. Карисоген омиллари интенсивлик ва табиатда ҳар хил бўлиши мумкин, уларнинг ўзаро таъсирининг турли хиллари кариеснинг бошланишига ёрдам беради, аммо етакчи омил оғиз бўшлиғининг микрофлораси бўлиб ҳисобланади. Патологик жараёнлар оғиз бўшлиғида микроорганизмлар, озик-овқатда ортиқча миқдордаги углеводлар мавжудлиги ва углеводлар ва микроорганизмларнинг тиш эмаллари билан алоқа қилишида ривожланиши мумкин. Углеводларни истеъмол қилиш кислота шаклланишига олиб келади. Оғиз бўшлиғидаги суякликнинг рН даражаси 6,2 дан паст бўлганда, кўп миқдордаги гидроксиапатитдан сўлак тўйинмаган бўлади, шунинг учун у минераллаштиришдан деминерализация (қаттиқ тиш тўқимасини йўқ қилиш) суяқлигига айланади.

Тиш қаттиқ тўқималарининг (кариес) прогрессив деминерализациясининг тўғридан-тўғри сабаби органик кислоталар бўлиб, уларнинг шаклланиши микроорганизмларнинг узоқ вақт давомида ферментатив фаоллиги билан боғлиқ бўлади. Кариеснинг пайдо бўлиши бир қатор карисоген омилларнинг ўзаро таъсирининг якуний босқичидир. Эпидемиологик изланишларда катта миқдордаги бляшка ва болаларда кариес ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган. Оғиз бўшлиғи микрофлорасининг табиати ва ҳолати сўлакнинг асосий хусусиятлари ва таркиби билан белгиланади: турғун ва турғун бўлмаган флоранинг мавжудлиги, эпизиоқлик, рН, ион потенциалли, минерал таркибий қисмлар, органик таркиблар (аминокислоталар, полисахаридлар, витаминлар, пуринлар, пиримидинлар) кўпроқ ривожланади. Мақсад

Мия фалажи билан касалланган болаларда тиш кариесини комплекс даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқот Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти “Болалар стоматологияси” кафедраси илмий ходимлари томонидан Бухоро шаҳар 27 сонли мактаб интернатида тарбияланувчи 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган тиш кариеси ва унинг асоратлари мавжуд бўлган 120 нафар бемор болалар ва уларнинг ота-оналари орасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 17.02.2020 йилдаги № 0493 Протокол билан тасдиқланган, “Тиш кариесини комплекс профилактикаси ва даволашни церебрал фалажли болаларда олиб бориш стоматологик беморлар касаллик варақаси” ёрдамида ретроспектив сўровлар, клиник-стоматологик, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси, папиляр, маргинал, алвеоляр индекс, кариеснинг тарқалиш ва жадаллик индекслари орқали текширишлар ўтказилди.

Мия фалажи билан касалланган болаларда кариеснинг келиб чиқиши ва оғиз бўшлиғи ёмон гигиенасини эътиборга олган ҳолда, биз илмий изланишларимизни гемипарез, гиперкинетик, атоник-астатик гуруҳига кирувчи 120 нафар бемор болаларни стоматологик текширувдан ўтказдик. Биз стоматологик текширувларимизни гемипарез 46 нафар, гиперкинетик 48 нафар, атоник –астатик 46 нафар бемор болалар гуруҳларга ажратилиб, уларнинг барчаси стоматологик текширувлардан ўтказилди ва даволанди. Назорат гуруҳи сифатида 11-14 ёшли оғиз бўшлиғида кариес касаллиги мавжуд, мия фалажи билан касалланмаган 40 нафар болалар ўрганилди.

Мия фалажи билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасини мўътадиллаштириш мақсадида терапевтик ва профилактик чоратadbирлар ўтказдик. Оғиз бўлиғи гигиенасини индивидуал учраш даражасини яратиш учун бемор болаларда Чартер усулида тишларни ювиш йўлга қўйилди. Тишларни ювишда Colgate гелда ювилгандан сўнг эса Натрий фторид таблеткаси тавсия этилди. Бу препаратнинг ўзига хос хусусияти унинг сўлак билан алоқада тез қотиш қобилияти бўлиб, ақли заиф болалар билан ишлаганда ейилиш хавфини минимум даражада камайтиради. Натрий фторид таблеткаси эса тиш эмалида реминерализация жараёнини кечишига

ёрдамлашади ҳамда тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.

Мия фалажи билан касалланган болаларда тиш кариесини комплекс даволаш

Мия фалажи билан касалланган болаларда тиш кариесини комплекс даволаш мақсадида «R.O.C.S. Medical Minerals» гели ва Калмазин таблеткалари қўлланилди.

Мия фалажи билан касалланган 120 нафар 11-14 ёшли болаларда «R.O.C.S. Medical Minerals» гелини қўллашда оғиз бўшлиғига 1:10000 даги фурацилин эритмаси билан ишлов берилди. Кариоз бўшлиқлар қуритилиб, пахта пликча ёрдамида гель суртилди. Бемор болаларга Калмазин таблеткасини 1 таб 2 маҳал овқат вақтида 1 ой давомида ичиши тавсия этилди. «R.O.C.S. Medical Minerals» гелини биринчи маротаба қўллашда 14 кундан сўнг иккинчи маротаба қўллашни шу билан даво курсини ҳар 6 ойда қўллашни тавсия этилди. «R.O.C.S. Medical Minerals» гель кариеснинг олдини олиш учун буюрилади ва дастлабки кариесда самарали ҳисобланади. «R.O.C.S. Medical Minerals» гели эмал призмаларида минералларни бойита ва мустаҳкамлигини оширади. Бундан ташқари антикариесоген таъсири, оғиз бўшлиғи микрофлорасини нормаллаштириши ҳам ўрганилди.

Калмазин таблеткасини эса таркибида витамин Д3, кальций карбонат, рух оксиди, магний оксиди, дигидронатрий борат сақлаганлиги сабабли тиш қаттиқ тўқимасида кальций-фосфор алмашинувини таъминлайди бу болаларда бирламчи кариес профилактикасини таъминлайди.

Биз илмий ишларимизда қўллаган «R.O.C.S. Medical Minerals» гели тиш эмалида экзоген кариес профилактикаси учун, калмазин таблеткасини эса эндоген таъсири орқали кариес профилактикасида муҳим аҳамиятга эга.

Назорат гуруҳига олинган 40 нафар болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси нормал ҳолатда бўлганлиги сабабли, профилактик воситалар ишлатилмади.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўрганилган бемор болаларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати ҳамда кариес жадаллик индекси орқали текширилганда Гемипарез (C=36) Ki=7.6% кариес жадаллик кўрсаткичи ўртача даражаси, гиперкинетик (C=38) Ki=13.1% кариес жадаллик кўрсаткичи юқори даражаси, атоник-астатик (C=36) Ki=16.7% кариес жадаллик кўрсаткичи жуда юқори даражаси, назорат гуруҳи (C=40) Ki=2.1% кариес жадаллик кўрсаткичи жуда паст даражаси, умумий C=160 Умумий кўрсаткич (160) 100 % ни ташкил этади.

Ушбу даволаш усуллари мия фалажи билан касалланган болаларда кариес касаллигини олдини олишда ва самарали даволашда эрта самарадорликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Эронов Ё.Қ. Мия фалажи билан касалланган болаларда кариес касаллигининг тарқалиш кўрсаткичларини баҳолаш // Тиббиётда янги кун. – 2020. – №2 (30). – Б. 634-635.

2. Эронов Ё.Қ. Мия фалажи билан касалланган болаларда лошли юшенко красногорский усулида сўлак таркибий хосаларини таҳлилий аниқлаш // Тиббиётда янги кун. – 2020. – №2 (30). – Б. 272-274.

3. Eronov Yo.Q., F.L. Mirsalixova The dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the bukhara region // Asian J. Multidimensional Res. – 2019. – Vol. 8. – P. 95-100.

4. Eronov Yo.Q. Dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the bukhara region // Int. J. Appl. Res. – 2019. – Vol. 5. – P. 151-154.

5. Mirsalixova F.L., Eronov Yo.Q., Assessment of the evaluation of oral hygiene in children with cerebral palsy // Asian J. Multidimensional Res. – 2020. Vol. 8. – P. 189-191.

6. Mirsalixova F.L., Eronov Yo.Q. Loshli-Yushenko-Krasnagorskiy method of leave in children with brain palasy // Pharma Innovation J. – 2009. – Vol. 4. – P. 601-602.

Цель: совершенствование комплексного лечения кариеса зубов у детей с детским церебральным параличом. Материал и методы: под наблюдением были 120 пациентов с кариесом и его осложнениями в возрасте от 11 до 14 лет, воспитанников школы-интерната № 27 г. Бухары и их родители. Проводили клинико-стоматологические исследования, определение гигиенического индекса полости рта, папиллярного, маргинального, альвеолярного индексов с использованием «Стоматологической карты стоматологических больных для комплексной профилактики и лечения кариеса зубов у детей с церебральным параличом». Результаты: при обследовании детей выявлен очень высокий уровень интенсивности кариеса, который достигает 100%. Учитывая полученные результаты, всем обследованным были рекомендованы таблетки фториды натрия после чистки зубов гелем Colgate. Отличительной особенностью препарата является его способность быстро затвердевать при контакте со слюной, что сводит к минимуму риск приема пищи при работе с умственно отсталыми детьми. Выводы: таблетки фториды натрия способствуют реминерализации зубной эмали и оказывают успокаивающее действие.

Ключевые слова: детский церебральный паралич, кариес зубов, комплексные методы лечения.

Objective: Improving the complex treatment of dental caries in children with cerebral palsy. Material and methods: 120 patients with caries and its complications at the age from 11 to 14 years old, pupils of boarding school № 27 in Bukhara and their parents were under observation. Clinical and dental

studies were carried out, determination of the hygienic index of the oral cavity, papillary, marginal, alveolar indices using the «Dental chart of dental patients for complex prevention and treatment of dental caries in children with cerebral palsy.» Results: Examination of children revealed a very high level of caries intensity, which reaches 100%. Taking into account the obtained results, sodium fluoride tablets were recommended for

all surveyed after brushing their teeth with Colgate gel. A distinctive feature of the drug is its ability to quickly harden upon contact with saliva, which minimizes the risk of eating when working with mentally retarded children. Conclusions: Sodium fluoride tablets help remineralize tooth enamel and have a soothing effect.

Key words: infantile cerebral palsy, dental caries, complex treatment methods.

<https://doi.org/10.34920/2091-5845-2021-17>

УДК: 616.314.26-007.23-053.2

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК ПРОФИЛАКТИК ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ



Сайдалиев М.Н., Муртазаев С.С.

Тошкент давлат стоматология институти

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «21-асрда ҳамма учун саломатлик» стратегиясида Европа минтақаси мамлакатлари аҳолиси соғлиғида реал ижобий ўзгаришларга эришишга имкон берган амалий ташаббусларнинг дунё тажрибаси тўпланган. Европа стратегияси томонидан бошқариладиган муҳим вазифалардан бири бу тиш соғлиғидир, унинг мезонларидан бири бу тиш кариеси ва периодонтал касаллик билан касалланишни камайтиришдир. Тиш кариесининг ривожланишига кўп сонли турли хил омиллар таъсир қилади, аммо оғиз гигиенасининг сифати муҳим рол ўйнайди. Кариесни динамик ва қайтариладиган жараён эканлиги ҳақидаги билим кариесни дастлабки босқичларида (бўшлиқ пайдо бўлишидан олдин) аниқлашга қодир бўлган янги технологияларни ривожланишига, уни ўз вақтида даволаш ва олдини олишга олиб келди. Эҳтиёткорлик билан бошқаришга комплекс ёндашувга бирламчи профилактика (оғиз гигиенасини ўргатиш, овқатланишни назорат қилиш, фторли тиш пастаси ва чайиш), иккиламчи профилактика (шикастланишларни эрта аниқлаш, фторли лак, шиша иономер пломба моддалари, кумуш фторли дастурлар) ва минимал аралашув билан учинчи даражали профилактика киради [5].

Асосий стоматологик касалликларнинг бирламчи профилактикаси бўйича чоратадбирларни амалга оширишда энг заиф бўғин ҳам болалар, ҳам катталар учун гигиеник таълим, санитария-маърифий ишлар ва стоматологик таълимдир. Аҳолининг паст санитария маданияти тиш касалликлари пайдо бўлишининг асосий хавф омилдир.

Тиш кариеси профилактикасининг олдини олиш бўйича катта ютуқларга қарамай, ушбу касаллик

ҳали ҳам дунёнинг аксарият мамлакатларида аҳоли саломатлиги учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, айниқса реконструктив даволаниш нархининг муттасил ошиши, кариес ва бир қатор мумий касалликларнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ [3]. Исботланган самарали воситалардан бири, тиш касалликларини камайтиришга қаратилган жамоат профилактик дастурлари ва уларнинг муҳим бўғини – мактаб стоматологик дарслари [1]. Ушбу тизим туфайли бола бутун мактаб давомида бутун профилактика ёрдами олиши мумкин [4]. Мактаб стоматологик кабинетлари ёпилиши муносабати билан болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш даражаси ва сифатининг сезиларли пасайиши кузатилди [6].

Шу билан бирга, дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли хил мактаб профилактик таълим стоматологик дастурлари фаол равишда амалга оширилмоқда [4]. Ушбу дастурларнинг муҳим жиҳати – оғизнинг бўшлиғи гигиенаси, овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини ўргатишдир. Бундай дастурлар тиш кариесининг ўсишини 40% камайтиришга ёрдам беради [3].

2019 йил октябр ва ноябр ойларида Оролбўйи минтақастаги мактабларда тахсил олаётган ўқувчилари орасида ўтказилган анкета сўровномасида 2-5 синфларнинг 340 нафар ўқувчиси иштирок этди. Энг ажабланарлиси, ўқувчиларнинг ўндан бир қисмигина, яъни 34 нафаригина охириги йилда врач-стоматолог хузурига бормаган. Деярли ярми 169 нафари эса камида 1-2 марта стоматолог давосига мухтожлик сезган. 84 нафари эса 3-4 марта ёки ундан ҳам кўпроқ марта врач-стоматологга мурожат этган [2].

Мақсад

Оғиз бўшлиғи гигиена қоидаларини ўйин